



## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Шарипов Улмас Ҳамроевич**

“Law Protect” адвокатлик фирмаси адвокати,  
ulmas\_sharipov@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7895793>

### ARTICLE INFO

Received: 26<sup>th</sup> April 2023

Accepted: 03<sup>rd</sup> May 2023

Online: 04<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

Жиноят процесси, айблов хулосаси, далолатнома, одил судлов, жиноят, суд, дастлабки эшитув, босқич, институт, такомиллаштириш.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада жиноят процессида дастлабки эшитув институтининг такомиллаштириш масалалари баён этилган. Шунингдек, мақолада дастлабки эшитув институти нормаларининг жиноят процессида қўлланилиши бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил этилган.*

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, жиноят ишларини судда кўришда тортишув тамойилига риоя этган ҳолда олиб боришни таъминлаш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармонининг 2-бандига кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;



б) жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тартибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш тартиби жорий қилиниши белгиланган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 395, 396-моддалари ўзгартириш киритилиб, янги таҳрирда баён қилинган, шунингдек, Жиноят-процессуал кодексига 405<sup>2</sup>-405<sup>15</sup>-моддаларини ўз ичига олган 49<sup>1</sup>-боб – “ЖИНОЯТ ИШИ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ” боби киритилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2021 йил 18 февралга қадар бўлган 395-моддасининг “Судья жиноят ишини айблов хулосаси билан ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради:

- 1) ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;
- 2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- 3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида;
- 4) дастлабки тергов ёки суриштирувнинг техник йўсиндаги камчиликларини бартараф этиш учун ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаган прокурорга юбориш тўғрисида.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб, етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин”<sup>3</sup>, деб баён қилинган таҳрири “Судья жиноят ишини айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- 1) ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисида;
- 2) ишни судда кўриш учун тайинлаш ҳақида;
- 3) дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган масалаларга доир ажрим судья томонидан иш судга келиб тушган пайдан эътиборан етти суткадан кечиктирмай қабул қилинади. Бу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, ПФ-6034-сон, 24.07.2020 йил, <https://lex.uz/docs/4910826>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-675-сон, 18.02.2021 йил, <https://lex.uz/docs/5295912>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 22.09.1994 йил, <https://lex.uz/docs/111460#5305764>



суткагача узайтирилиши мумкин”, деб янги таҳрирга, шунингдек, ЖПК 396-моддасининг “Жиноят ишини судда қўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим:

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми;
- 3) ишнинг суд мажлисида қўрилиши учун асослар етарлими;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми;
- 4<sup>1</sup>) ишни бирлаштиришда ёки ажратишда ушбу Кодекснинг 332-моддаси талабларига риоя этилганми;
- 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;
- 6) жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлаш чоралари қўрилганми;
- 7) айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилганми”, деб баён қилинган таҳририда.

“Судья ушбу Кодекс 395-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган масалаларни ҳал этишда жиноят иши бўйича ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши керак:

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
- 2) ишнинг суд мажлисида қўрилиши учун асослар етарлими;
- 3) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми;
- 4) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;
- 5) жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш чоралари қўрилганми;
- 6) айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилганми;
- 7) дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар борми”<sup>4</sup> таҳририга ўзгартирилган.

Жиноят процессуал кодексининг 2021 йил 18 февралга қадар бўлган 395-моддасининг 1-қисмидаги 2-4-бандларида кўрсатилган жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш, жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш ва дастлабки тергов ёки суриштирувнинг техник йўсиндаги камчиликларини бартараф этиш учун ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаган прокурорга юбориш тўғрисидаги масалаларни янги таҳрирда дастлабки эшитув процессида ҳал қилиниши белгиланган ва дастлабки эшитув процессининг тартиби эса Жиноят-процессуал кодексининг 405<sup>2</sup>-405<sup>15</sup>-моддаларини ўз ичига олган 49<sup>1</sup>-бобида баён қилинган.

Жиноят процессуал кодекси 405<sup>3</sup>-моддасига кўра, *жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш (1); жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш(2); жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш (3);*

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 22.09.1994 йил, <https://lex.uz/docs/111460#5305764>



Жиноят процессуал кодексда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш(4); номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш (5) тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказлади<sup>5</sup>.

Жиноят процессуал кодексининг 2021 йил 18 февралда киритилган ўзгартишдан кейинги 395-моддасининг 2-қисмига кўра, Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган масалалар (ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш, ишни судда кўриш учун тайинлаш ва дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида)га доир ажрим судья томонидан иш судга келиб тушган пайтдан эътиборан *етти суткадан* кечиктирмай қабул қилинади. Бу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин<sup>6</sup>.

Қонун мазмунидан келиб чиқиб, Жиноят процессуал кодекси 405<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган 5 та асослардан бири мавжуд бўлганда иш судга келиб тушган пайтдан эътиборан *етти суткадан* кечиктирмай судья томонидан ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш, ишни судда кўриш учун тайинлаш ва дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар тарафлардан бирига жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган.

Аmmo қонуннинг мазкур нормаларида, яъни дастлабки эшитув ўтказиш тартибини белгилловчи нормаларида иш судга келиб тушганлиги тўғрисида тарафларни хабардор қилиш ёки тарафларга дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун олдиндан огоҳлантирилиши ёхуд бунинг учун тегишли муддат берилиши тўғрисида норма мавжуд эмас.

Мазкур қонундаги бўшлиқ бугунги кунда дастлабки эшитув институти амалда деярли қўлланилмаслигига, шунингдек амалга ошириш имконини чекланишига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли дастлабки эшитув институти нормаларининг жиноят процессида қўлланилиши бўйича қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиб кўрамиз.

Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 227-моддасига кўра, Судга келиб тушган жиноят иши бўйича судья қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) жиноят ишини судловга тегишлилиги бўйича йўналтириш тўғрисида;
- 2) дастлабки эшитув тайинлаш тўғрисида;
- 3) суд мажлисини тайинлаш тўғрисида.

Қарор жиноят иши судга келиб тушгандан бошлаб 30 кундан кечиктирмай қабул қилинади. Агар келиб тушган жиноят иши бўйича айбланувчи ёки улардан бирига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган бўлса ушбу қарор 14 кундан кечиктирмай қабул қилинади. Тарафнинг илтимосига биноан суд ушбу тарафга жиноят иши материаллари билан қўшимча танишиш имкониятини беришга ҳақли.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 22.09.1994 йил, <https://lex.uz/docs/111460#5305764>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 22.09.1994 йил, <https://lex.uz/docs/111460#5305764>



Агар жиноят ишида жиноят процесси иштирокчисининг шахси ҳақидаги маълумотларнинг махфийлиги тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, судя жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ушбу қарор билан таништириш имкониятини истисно қиладиган чораларни кўради.

Суд қарорининг нусхаси айбланувчига, жабрланувчига ва прокурорга юборади.<sup>7</sup>

Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 227-моддасига кўра, Суд тарафнинг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ушбу Кодекснинг 34-бобида белгиланган тартибда жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказилади.

Дастлабки эшитув қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- 1) тарафлардан бирининг ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоси мавжуд бўлса;
- 2) агар жиноят ишини прокурорга қайтариш учун ушбу Кодекснинг 237-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса;
- 3) агар жиноят ишини тўхтатиш ёки тугатиш учун асослар мавжуд бўлса;
- 4) тарафлардан бирининг ушбу Кодекснинг 247-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган тартибда суд муҳокамасини ўтказиш тўғрисида илтимоси мавжуд бўлса;
- 5) жиноят ишини халқ маслаҳатчилари иштирокида кўриш бўйича масаласини ҳал қилишда;
- 6) қонуний кучга кирмаган шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан унинг илгари ҳукм чиққунига қадар содир қилган жинояти бўйича ишни кўришга киришганида;
- 7) жиноят ишини қисмини алоҳида иш юритувига ажратиш учун асослар мавжуд бўлганида;
- 8) жиноят ишини бирлаштириш учун ушбу Кодексда назарда тутилган асослар мавжудлиги тўғрисида тарафларнинг илтимоси мавжуд бўлса.

*Тарафлар дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга жиноят иши материаллари билан танишгандан сўнг ёки айблов хулосаси ёхуд айблов далолатномаси билан судга юборилган жиноят иши бўйича айбланувчи айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси нусхасини олганидан бошлаб 3 кун ичида мурожаат қилиши мумкин<sup>8</sup>.*

Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг 227-моддаси 3-қисмида тарафларнинг дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида мурожаат қилиш тартиби белгиланган, яъни қонунда амалга оширишнинг реал имконияти кўрсатилган.

АҚШда ҳам жиноят процессида дастлабки эшитув институти мавжуд бўлиб, Англо-Саксон ҳуқуқ оиласига кирувчи АҚШнинг ҳуқуқ тизимидан ушбу процессуал институт Романо-Герман ҳуқуқ оиласига мансуб Россия федерацияси ҳуқуқ тизимига қабул қилинган<sup>9</sup>. АҚШда жиноят процессида дастлабки эшитув жинойи суд бошланишидан олдин амалга ошириладиган жараён ҳисобланади. Дастлабки эшитув тергов якунига ўхшайди, аммо улар орасида бир қанча фарқлар мавжуд. Баъзи муҳим

<sup>7</sup> Уголовный кодекс РФ, [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/343c230528c2e9a60820f8ca2bbb541f6e841187](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/343c230528c2e9a60820f8ca2bbb541f6e841187)

<sup>8</sup> Уголовный кодекс РФ, [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/343c230528c2e9a60820f8ca2bbb541f6e841187](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/343c230528c2e9a60820f8ca2bbb541f6e841187)

<sup>9</sup> Прововая система: Учебное пособие США, В.М.Шумилов, 2006, Москва, Всероссийская академия внешней торговли.



фарқлар шундаки, улар турли мақсадларга хизмат қилади ва дастлабки эшитув ўтказилиги қарши далиллар учун кўпроқ имконият яратади.

АҚШда Дастлабки эшитув “судгача эшитиш” деб таърифланади, унда судья судланувчининг “айбдор” ёки “айбсиз” эканлигига эмас, балки судланувчини суд олдида туришга мажбур қилиш учун етарли далиллар мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади. Шунингдек, дастлабки эшитув айбланувчининг ўз баёнотларини бериши учун муҳим имконият ҳисобланади. Дастлабки эшитувда судья “эҳтимолий сабаб” ҳуқуқий стандартдан фойдаланиб, терговни амалга оширган ва айблаган ҳуқуқат манфаатини ҳимоя қилувчи органларнинг судга жиноят содир этилганлиги, гумон қилинган шахс томонидан содир этилганлиги ва ушбу шахс тахмин қилинган жиноятни содир этганини тасдиқловчи етарли далилларни тақдим этган ёки йўқлигини ҳал қилади.

АҚШда дастлабки эшитув суд жараёни олдини олиш учун ажойиб имконият. Бу шуни англатадики, шу пайтда гумон қилган тараф томонидан тайёрланган ишнинг заиф томонларини кўрсатувчи далиллар тақдим қилиш учун зўр имконият ҳисобланади.

Айб қўйилган шахс ўзини айбсиз деб даъво қилганда ҳар доим дастлабки эшитув ўтказилади. Прокурор айб қўйилган шахсни айблаш учун етарли далиллар мавжудлигини кўрсатиши шарт. Дастлабки эшитув ҳар доим ҳам талаб қилинмайди, айб қўйилган шахс ушбу ҳуқуқдан воз кечиши ҳам мумкин.

Агар айб қўйилган шахс қамоқда сақланаётган бўлса, иш кўриш бошланганидан сўнг 14 кун ичида дастлабки эшитув ўтказилиши шарт. Агар айб қўйилган шахс гаров эвазига очикда юрганида иш кўриш бошланганидан сўнг 21 кун ичида дастлабки эшитув ўтказилиши шарт. АҚШда дастлабки эшитиш жиноят процессида иштирок қилувчи тарафлар учун кичик синовга ўхшайди. Дастлабки эшитувда прокуратура гувоҳларни чақиради ва далилларни киритади, ҳимоя тарафда ҳам гувоҳларни текшириш имконияти мавжуд. Ҳимоя тараф прокуратуранинг ўзи тақдим қилган баъзи далиллардан фойдаланишга эътироз билдира олмайди, аммо ҳимоя тарафга дастлабки эшитувда судлов ҳайъатига кўрсатиши мумкин бўлмаган далилларини суд мажлисида тақдим қилишига рухсат берилади.

Дастлабки эшитув якунида судья жиноят айб қўйилган шахс томонидан содир этилганига ишониш учун мумкин бўлган сабаб бор деган хулосага келса, тез орада суд муҳокамаси ўтказилиши тайинланади, агар судья далилларга ишонмаса, айб қўйилган шахснинг ушбу айбни содир этганлигининг эҳтимолий сабабларини аниқлайди ва айбловни бекор қилади.<sup>10</sup>

Дастлабки эшитув Канада Республикасида баъзида дастлабки тергов деб ҳам аталади. Дастлабки суриштирув туганидан сўнг суд томонидан суд жараёнида оқлаш учун етарли далиллар мавжудлигини аниқлаш учун ҳам дастлабки эшитув ўтказилади. Дастлабки эшитув судда ёки ҳимоя тарафида айбланаётган шахснинг айби исбот қилинмаслиги мумкинлиги ҳақида шубҳалари мавжуд бўлганда ҳам ўтказилади. Бунда

<sup>10</sup> <https://www.findlaw.com/criminal/criminal-procedure/preliminary-hearing.html>



адвокатлар ҳам гувоҳларни чақириши мумкин. Агар ишни муҳокама қилиш учун етарли далиллар мавжуд эмас деб топса суд айбловни бекор қилади<sup>11</sup>.

Хуқуқшунос С.Раҳмонова дастлабки эшитув институти мавзусида илмий тадқиқот олиб бориб, ушбу судга қадар бўлган институтнинг қонунчиликка киритилишининг самараси ҳақида ўз хулосаларини баён қилган. С.Раҳмонованинг “Дастлабки эшитув институти: Суд амалиётига татбиқ этилган янги тартиб самараси нимада?”<sup>12</sup> номли мақоласида дастлабки эшитув институти қонунчиликка татбиқ қилингунга қадар судга жиноят иши келиб тушганидан сўнг ишни мазмунан кўриш бошлангунга қадар амалдаги қонунчилик ва суд амалиётида оғрикли муаммоларни келтирган. Жумаладан, “шу кунга қадар ЖПКда амалда бўлган жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи формал, янаям аниқроқ айтсак, “жонсиз” бўлиб, унда судьяга қатор кенг ваколатлар қонун билан тақдим этилган бўлса-да, мазкур ваколатларни амалга ошириш учун судьяда реал процессуал имкониятлар деярли мавжуд эмас эди! Муаммо нимадалигини батафсил кўриб чиқсак. Ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида судья унга келиб тушган жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш имкони бор ёки йўқлигини, фактик ва юридик асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши ҳамда ишни судда самарали кўриш учун бошқа тўсиқлар йўқлигига оид масалаларни ҳал этиши лозим. Судья жиноят иши билан танишиши ва кенг доирадаги, хусусан, иш мазкур суднинг судловига тегишлилиги; ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг йўқлиги; ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун асослар етарлилиги; суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПК талабларига риоя қилинганлиги; ишни бирлаштиришда ёки ажратишда ЖПК талабларига риоя этилганлиги; айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганлиги; жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганлиги; айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси процессуал қонун талабларига мувофиқ тузилганлиги каби масалаларни аниқлаши лозим.

Энди масалага қонунда декларация этилган ваколатлар эмас, мавжуд реал вазият нуқтаи назаридан ёндашсак. Аввал судья жиноят ишини ўзи фаолият юритаётган суд судловига тегишлилигини аниқлади, дейлик. Энди судьянинг олдида турган кейинги масала – жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш. Мана шу ерда ҳақиқий мураккаблик юзага келади. Гап шундаки, судьяда якка тартибда, тарафлар иштирокисиз жиноят ишини тугатиш ёки тўхтатиш учун асослар бор ёки йўқлигини аниқлашнинг реал имкони деярли мавжуд эмас. Мисол учун, дейлик, эълон қилинган амнистия актининг содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдорлиги ёки яна бир қизиқ вазият – ЖПК 84-моддаси 5-қисмида кўрсатилган ҳолатлар (жиноят ишини шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатиш асослари) мавжудлиги иш материалларидан аниқланса. Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчисида ҳам ишни тугатиш учун, энг муҳими, айбланувчининг ўзи ва унинг ўз айбига иқрорлиги ёзма равишда талаб этилади. Хўш, судья якка ўзи бу масалани қандай ҳал этарди? Суд амалиётида

<sup>11</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Preliminary\\_hearing](https://en.wikipedia.org/wiki/Preliminary_hearing).

<sup>12</sup> С.Раҳмонова. Суд амалиётига татбиқ этилган янги тартиб самараси нимада?. *in Library*, . (2021). 21(1), 13–17. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/8901>.



одатда бундай вазиятда судья ишни тугатиш асоси мавжудлигини яққол кўриб турсада, ноилож бунга кўз юмиб, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлайди, сўнг суд мажлисида тарафлар иштирокида бу масалани ўрганиб, жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилади. Яъни, суд муҳокамасига тайёр бўлмаган “хом” ёки умуман “истиқболсиз” жиноят ишини судья, ўз формал ваколатларини амалга оширишга имконсизлиги туфайли суд мажлисида кўришга тайинлайди. Судья томонидан аниқланиши лозим бўлган яна бир ҳолат – жиноят ишини суд мажлисида кўриб чиқиш учун асослар етарлими, деган масаладир. Ишни судда кўришга “барча асослар етарли” дейиш учун ўзи қандай шартлар бажарилган бўлиши зарур? Асосларнинг етарлилиги айнан нима билан белгиланади? Афсуски, қонунда ҳам, суд амалиётида ҳам бунинг ягона мезони йўқ. Яна бир бор жорий суд амалиётига мурожаат қиламиз. ЖПКнинг судья олдида қўйилган мазкур талабини бажариш учун судьяларимиз қандай йўл тутяпти? Қонун талабининг мавҳумлиги туфайли, судья иложсизликдан “ишни судда кўриш учун тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги – ишни судда кўриш учун барча асослар етарлилигини билдиради” деган мантиққа таянади-да, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қароридан айнан шундай баён қилади.

Буларнинг барчаси мазкур босқичнинг айрим муаммоларига чизгилар холос. Ҳозирда ишни судда кўриш учун тайинлашнинг амалдаги “кабинет шакли” тарафларнинг ҳуқуқини чекламоқда, бунда судья тарафларнинг фикрини эшитмайди ва улар билан бевосита кўришмайди, бинобарин “умумий тартиб”дан сўнг тарафларнинг тўлиқ ҳажмда ва бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини назарда тутувчи суд муҳокамаси ўтказилса ҳам вазият ўзгармайди. Мазкур масалаларнинг демократик тарзда, яъни ўзаро тортишув, прокурор ва тарафларнинг иштирок этишига реал имкониятлар мавжуд шароитда дастлабки эшитув тартибида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Яъни, судья тарафларнинг фикрларини тинглаши ва инobatга олиши, эътирозлар мавжуд бўлганда эса ўз қарорини очиқ асослантириши лозим ва, албатта, бунда судья мустақил бўлиб, унинг позицияси бирон бир иштирокчи фикри билан чегараланиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган барча масалалар бўйича судьянинг ажримлари устидан юқори турувчи судга шикоят бериш имкони бўлиши зарур, бу эса уларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини кафолатлайди<sup>13</sup>, деб фикир билдирган.

Аммо жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш мақсадида дастлабки эшитув институтини қонунчиликка киритилган бўлса-да, *жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш (1); жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш(2); жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш (3); Жиноят процессуал кодексда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш(4); номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш (5)* бўйича амалиётда фақатгина Жиноят процессуал кодексда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштиришда дастлабки эшитув амалда тарафлар иштирокида

<sup>13</sup>С.Рахмонова. Суд амалиётига таъбиқ этилган янги тартиб самараси нимада?. *in Library*, . (2021). 21(1), 13–17. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/8901>.



ўтказилмоқда. Бошқа ҳолатларда жиноят иши бўйича дастлабки эшитув деярли ўтказилмаяпти. Чунки ЖПК қонунчилигида дастлабки эшитув ўтказиш тартибини белгилловчи нормаларида иш судга келиб тушганлиги тўғрисида тарафларни хабардор қилиш ёки тарафларга дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун олдиндан огоҳлантирилиши ёхуд бунинг учун тегишли муддат берилиши тўғрисида норма мавжуд эмас.

Амалдаги қонунчиликда тарафларда, айнан айбланувчининг ҳимоясида дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида илтимоснома бериш учун реал имконият мавжуд эмас.

Шу сабабли жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш мақсадида жорий қилинган дастлабки эшитув институти амалиётда кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПК 395-моддасига 1-қисмини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш таклиф қилинади: ***“Судья жиноят ишини айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, 3 кунлик муддатда бу ҳақда тарафлар ва уларнинг адвокатини бу ҳақда огоҳлантириб, шундан сўнг қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради”***.

## References: